

ISSN: 2181-9416



ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ВЕСТНИК ЮРИСТА * LAWYER HERALD

ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ, ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ



CYBERLENINKA

НАУЧНАЯ ЭЛЕКТРОННАЯ
БИБЛИОТЕКА
LIBRARY.RU

ISSN 2181-9416
Doi Journal 10.26739/2181-9416

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

4 СОН, 3 ЖИЛД

ВЕСТНИК ЮРИСТА

НОМЕР 4, ВЫПУСК 3

LAWYER HERALD

VOLUME 4, ISSUE 3



TOSHKENT-2023

Мундарижа

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ

1. ВАКНРАМОВА Mokhinur LEGAL ANALYSIS OF METHODS OF REALIZATION OF PROPERTY RIGHTS BY AUTHORS AND PRACTICE OF LAW ENFORCEMENT IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN.....	8
2. TURDIEV Bobir Sobirovich KORPORATIV SEKTORNING EKOLOGIK MAS'ULIYATINI OSHIRISHNING HUQUQIY MEKANIZMLARI	14
3. ҲАМДАМОВ Шаҳзод Мақсуд ўғли РАҚАМЛАШТИРИШ ТУШУНЧАСИ, МАЗМУН-МОҲИАТИ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ	23

СУД ҲОКИМИЯТИ. ПРОКУРОР НАЗОРАТИ. ҲУҚУҚНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

4. ПАНАБЕРГЕНОВА Жамиля Таировна ПЕРСПЕКТИВЫ ПРИМЕНЕНИЯ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА В СУДОПРОИЗВОДСТВЕ	30
5. JUMAYEV Shohjahan Begimqul o'g'li QONUNLAR IJROSI USTIDAN PROKUROR TEKSHIRUVLARINI O'TKAZISH ASOSLARI VA ULARNI QONUN HUIJATLARIDA TARTIBGA SOLISHNING DOLZARB MASALALARI.....	36

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ, ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ. КРИМИНОЛОГИЯ. ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ

6. ОТАЖОНОВ Абдоржон Анварович, НОРМАНОВА Клара Эшназаровна ЖИНОЯТНИ ТАШКИЛ ЭТГАН ЁКИ РАҲБАРЛИК ҚИЛГАН ШАХС ҚИЛМИШИНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ.....	43
7. КАРИМОВ Ифтихор Ибрагимович ЭКСТРЕМИЗМ ТУШУНЧАСИ, ШАКЛЛАРИ ВА МОҲИАТИ: ҚИЁСИЙ ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ ..	52
8. SHUKUROVA Muhayyo Mukumjanovna НОКИМИЯТ НАРАКАТСИЗЛИГИ UCHUN JAVOBGARLIK MUAMMOLARIGA DOIR ILMIY TADQIQOTLARNING ZAMONAVIY HOLATI VA RIVOJLANISHI	61

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ. КРИМИНАЛИСТИКА. ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ҲУҚУҚ ВА СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ

9. БОЗОРОВ Мақсудали Махмудович ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ПРОЦЕССУАЛ ЧИҚИМЛАРНИ УНДИРИШ, ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ БИЛАН ҚИЁСИЙ ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ.....	66
---	----

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

10. TILLABAYEV Mirzatillo

THE UNIVERSAL DECLARATION OF HUMAN RIGHTS: HISTORICAL OVERVIEW AND IMPLEMENTATION IN UZBEKISTAN..... 74

11. ФАЙЗУЛЛАЕВА Нигорахон Равшановна

МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВАЯ СИСТЕМА ПРЕДОТВРАЩЕНИЯ НЕЗАКОННОГО ОБОРОТА КУЛЬТУРНЫХ ЦЕННОСТЕЙ В МЕЖДУНАРОДНОМ КУЛЬТУРНОМ ПРАВЕ..... 80

12. САФАРОВА Шахло Пулатовна

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ТАЪЛИМНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ШАРТНОМАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАНБАЛАРИ 89

13. ЕСЕМУРАТОВ Алишер Избасарович

ПРИЧИНЫ, ТЕНДЕНЦИИ И ПРОТИВОДЕЙСТВИЕ НЕЗАКОННОЙ МИГРАЦИИ НА СОВРЕМЕННОМ ЭТАПЕ..... 96

14. ХАМЗАЕВ Дилавер

РОЛЬ МЕЖДУНАРОДНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ В БОРЬБЕ С ТРАНСНАЦИОНАЛЬНЫМИ ФИНАНСОВЫМИ ПРЕСТУПЛЕНИЯМИ 102

ҲУҚУҚИЙ АМАЛИЁТ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

15. РАХМАНОВ Шухрат Наимович, ХАМДАМОВА Фируза Уразалиевна

МИГРАЦИОННЫЕ ПРОЦЕССЫ В УСЛОВИЯХ ПЕРЕХОДА НА ЦИФРОВУЮ ЭКОНОМИКУ 113

16. SUFIEVA Dilafruz

ABOUT QUALITATIVE CHANGES IN THE RULE-MAKING PROCESS.....120

17. САФАРОВ Темур Уктамович

АНАЛИЗ ВНЕШНЕГО И ВНУТРЕННЕГО КОНТЕКСТА ОПРЕДЕЛЯЮЩИЕ НАЛИЧИЯ УСЛОВИЙ ДЛЯ КОРРУПЦИИ В ГОСУДАРСТВЕННОМ СЕКТОРЕ125


ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ. КРИМИНАЛИСТИКА, ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ҲУҚУҚ ВА СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ

БОЗОРОВ Мақсудали Махмудович
Тошкент давлат юридик университети
Жиноят-процессуал ҳуқуқи кафедраси ўқитувчиси

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ПРОЦЕССУАЛ ЧИҚИМЛАРНИ УНДИРИШ, ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ БИЛАН ҚИЁСИЙ ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): БОЗОРОВ М.М. Жиноят процессида процессуал чиқимларни ундириш, хорижий давлатлар тажрибаси билан қиёсий ҳуқуқий таҳлил // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 4 (2023) Б. 66-73.

 4 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2023-4-9>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада муаллиф томонидан жиноят процессининг муҳим институтларидан бири бўлган процессуал чиқимларнинг процессуал аҳамияти, соҳадаги мавжуд муаммолар ҳамда уларнинг ечими юзасидан хорижий давлатларнинг илғор тажрибаси тўғрисида сўз юритилган. Шунингдек, бир қанча таклиф ва тавсиялар ҳам ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: Процессуал чиқимлар, процессуал чиқимларнинг турлари, процессуал аҳамияти ва уларни қўллаш, процессуал харажатларни ундириш тартиби.

БОЗОРОВ Мақсудали Махмудович
Преподаватель кафедры «Уголовно-процессуальное право»
Ташкентского государственного юридического университета

ВЗЫСКАНИЕ ПРОЦЕССУАЛЬНЫХ ИЗДЕРЖЕК В УГОЛОВНОМ СУДОПРОИЗВОДСТВЕ, СРАВНИТЕЛЬНО-ПРАВОВОЙ АНАЛИЗ С ОПЫТОМ ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАН

АННОТАЦИЯ

В данной статье автор говорит о процессуальном значении процессуальных исходов, которые являются одним из важных институтов уголовного процесса, существующих проблемах в данной сфере и передовом опыте зарубежных стран по их решению. Также был разработан ряд предложений и рекомендаций.

Ключевые слова: процессуальные выходы, виды процессуальных выходов, процессуальное значение и их применение, порядок взыскания процессуальных издержек.

RECOVERY OF PROCEDURAL COSTS IN CRIMINAL PROCEEDINGS, COMPARATIVE LEGAL ANALYSIS WITH THE EXPERIENCE OF FOREIGN COUNTRIES

ANNOTATION

In this article, the author talks about the procedural importance of procedural outcomes, which are one of the important institutions of the criminal process, the existing problems in the field, and the advanced experience of foreign countries regarding their solution. A number of proposals and recommendations have also been developed.

Keywords: Procedural outputs, types of procedural outputs, procedural importance and their application, procedure for recovery of procedural expenses.

Мамлакатимизда барча соҳаларда бўлганидек суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, одил судловни қарор топтириш орқали фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоясини таъминлашга, шунингдек одил судловга эришиш даражасини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз тараққиётининг кафолати давлат ва жамиятнинг барча тармоқларини ривожлантиришга қаратилган кенг қамровли ислоҳотларни амалга оширишда намоён бўлади.

Сўнги йилларда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасини тубдан такомиллаштириш борасида қатор тизимли ишлар амалга оширилди.

Янги таҳрирдаги Конституцияда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш билан боғлиқ ҳуқуқий нормалар киритилди, ҳуқуқбузарликдан жабрланганларнинг ҳуқуқлари қонун билан муҳофаза қилиниши, давлат жабрланганларга ҳимояланишни ва одил судловдан фойдаланишни таъминлаши, уларга етказилган зарарнинг ўрни қопланиши учун шарт-шароитлар яратишига оид қоидалар аниқ белгилаб қўйилди [1].

Бироқ, бугунги кунда ушбу соҳада ишни кўриш билан боғлиқ бўлган чиқимларга доир ҳал этилиши лозим бўлган айрим муаммо ва камчиликлар мавжуд бўлиб, бу ўз навбатида инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ва уларнинг ҳуқуқларини тўлиқ ҳимоя қилинишида айрим тўсқинликларга сабаб бўлмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигининг самарали тизимини яратиш давлатнинг қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатлари, тинчлик ва хавфсизликни ишончли ҳимоя қилиш бўйича устувор вазифаларидан бири ҳисобланади.

Одил судловни процессуал чиқимларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Зеро, мазкур институт жиноят ишларини юритиш жараёнининг барча босқичларидаги процессуал ҳаракатларни амалга оширишни ташкилий-моддий жиҳатдан таъминлаш билан бирга, иштирокчиларнинг мулкӣ манфаатларини ҳимоялаши боис жиноят процессининг молиявий воситаси бўлиб хизмат қилади. Процессуал харажатларни жиноят ишини юритишга масъул органлар фаолиятини ташкил этишни моддий-техник жиҳатдан таъминлаб, унинг самарадорлигини баҳолашга имкон берадиган, шунингдек кўмаклашувчи иштирокчиларнинг моддий манфаатларини муҳофазалаш ва далилларни сақлаш, жўнатиш, тадқиқ этиш билан боғлиқ процессуал ҳаракатларни амалга оширишнинг моддий шarti сифатида хизмат қилувчи ҳамда шу мақсаддаги фаолият давомида келиб чиқадиган жиноят процессининг асосий вазифаларига мос бошқа сарф-харажатлар деб тавсифлашга асос бўлади.

Жиноят ишини юритиш умумий қоида тариқасида давлат ҳисобидан амалга оширилади. Лекин шундай вазиятлар бўладики, иш юритишга масъул давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг функцияларига бевосита тааллуқли бўлмаган харажатлар келиб чиқади ва улар харажатларнинг алоҳида тоифасини ташкил этади.

Процессуал чиқимлар билан боғлиқ муаммоларнинг самарали ечимини топиш учун процессуал чиқимлар, уларнинг процессуал аҳамияти ва таснифи ҳақида муайян тасаввурга эга бўлиш талаб этилади.

Процессуал чиқимлар деганда жиноят ишини юритишга масъул бўлган мансабдор шахсларнинг процессуал фаолиятини моддий жиҳатдан таъминлайдиган, процессуал ҳаракатларни амалга оширишда кўмаклашувчи шахсларнинг моддий манфаатларини муҳофаза қилиш, далилларни сақлаш, жўнатиш, тадқиқ этиш билан боғлиқ процессуал ҳаракатларни амалга оширишнинг моддий шарт сифатида хизмат қилувчи ҳамда процессуал фаолият давомида келиб чиқадиган жиноят процессининг асосий вазифаларига мувофиқ бўлган бошқа сарф-харажатлар тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 75-моддасида жабрланувчи ёки унинг вакили, гувоҳ, эксперт, мутахассис, таржимон ёки холис сифатида чақирилган шахснинг иш жойидаги ўртача ойлик маоши унинг суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ҳузурига чақирилиши муносабати билан кетган ҳамма вақт учун сақланиши, ишламайдиган шахсларга улар кундалик машғулоти билан шуғуллана олмаганликлари учун ҳақ тўланиши, бундан ташқари кўрсатилган ҳамма шахслар чақирилиш муносабати билан қилган сарф-харажатларини ундириш ҳуқуқига эгаллиги белгиланган [2]. Шунингдек, ушбу моддада эксперт, мутахассис ва таржимон ўз мажбуриятларини бажарганликлари учун ҳақ олиш ҳуқуқига эга эканлиги, истисно тариқасида ушбу мажбуриятлар хизмат топшириғи тарзида бажарилган ҳолларда бу қоида татбиқ этилмаслиги, **сарф-харажатлар қонунда белгиланган тартибда ва миқдорда тўланиши қайд этилган.**

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, **процессуал чиқимлар:**

1) жабрланувчилар ва уларнинг вакиллари, гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар ва холисларга уларнинг процессуал ҳаракатлар ўтказиладиган жойга келиб-кетиш, турар жойни ижарага олиш харажатларини қоплаш учун, шунингдек, суткалик харажат пули тариқасида бериладиган суммадан;

2) доимий иш ҳақи олмайдиган жабрланувчилар ва уларнинг вакиллари, гувоҳлар ҳамда холисларга уларни одатдаги машғулотида чалғитганлик учун тўланадиган суммадан;

3) экспертлар, таржимонлар, мутахассисларга улар суриштирув, дастлабки тергов ёки судда ўз вазифаларини бажарганлиги учун тўланадиган ҳақдан (ана шу вазифалар хизмат топшириғи тартибида бажарилган ҳоллар бундан мустасно);

4) судланувчи тўловдан озод қилинган тақдирда юридик ёрдам кўрсатганлик учун ҳимоячига тўланадиган ҳақдан (ишни юритаётган суриштирувчи, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд гумон қилинувчини, айбланувчини, судланувчини юридик ёрдам учун тўловдан батамом ёки қисман озод этишга ҳақлидир. Бундай ҳолларда адвокат меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган тартибда давлат ҳисобидан бўлади);

5) ашёвий далилларни сақлаш ва жўнатиш билан боғлиқ харажатлар суммасидан;

6) экспертиза муассасаларида экспертиза ўтказиш учун сарфланган суммадан;

7) шахсларни ушлаш, мажбурий келтириш ва қидириш учун қилинган харажатлардан;

8) суриштирув, дастлабки тергов ёки суд мажлисини видеоконференцалоқадан фойдаланган ҳолда ўтказиш чоғида қилинган харажатлардан;

9) жиноят ишини юритишда қилинган бошқа харажатлардан;

10) гувоҳ тариқасида, шунингдек, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари, эксперт, мутахассис, таржимон, холис, жамоат айбловчиси ва жамоат ҳимоячиси тариқасида чақириладиган шахснинг терговга қадар текширув органига, суриштирувчига, терговчига, прокурорга ёки судга чақирилганлиги билан боғлиқ буткул вақт учун уларнинг иш жойида сақлаб қолинадиган ўртача иш ҳақидан иборат.

Жиноят-процессуал қонунчиликда келтириб ўтилган процессуал чиқимларни қоплаш нуқтаи назаридан уч гуруҳга тақсимласа бўлади:

- 1) маҳқумлар ҳисобидан ундирилиши назарда тўтилган харажатлар;
- 2) давлат ҳисобидан қопланиши лозим бўлган харажатлар;
- 3) процесс иштирокчиси доимий ишлайдиган корхона, ташкилот ва муассасалар ҳисобидан қопланиши назарда тутилган харажатлар.

Процессуал чиқимлар мазмун-моҳияти ва турларидан келиб чиқиб, уларнинг **жиноят-процессуал аҳамиятини** қуйидагиларда кўриш мумкин:

- 1) жиноят ишларини юритиш учун зарурий шарт-шароитларни яратиб беради;
- 2) жиноят-процесси иштирокчиларининг моддий манфаатларини самарали муҳофазалайди;

3) турли соҳага оид билим ва кўникмаларга эга бўлган мутахассислар ҳамда зарур маълумотга эга иштирокчиларни кўпроқ жалб этиш воситасида жиноят иши сифатини оширади;

4) жиноят ҳақида берилган ариза ва хабарлар ўз тасдиғини топмаганда уларни текшириш билан боғлиқ харажатлар ундириб олиниши ҳақидаги огоҳлантириш асосиз мурожаатларнинг камайишига хизмат қилади;

5) жиноят ишларини юритишда давлат томонидан сарфланган харажатлар миқдорини аниқлаш ва уларни ундириб олишга кўмаклашади.

Умуман олганда, жиноятга оид одил судловни процессуал чиқимларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Зеро, мазкур институт жиноят ишини юритишнинг барча босқичларидаги процессуал ҳаракатларни амалга оширишни моддий таъминлаши билан бирга, процесс иштирокчиларининг мулкӣ манфаатларини ҳам муҳофаза қилади.

Бошқача айтганда, мазкур институт том маънода **процесснинг молиявий воситаси** бўлиб хизмат қилади.

Бироқ шунга қарамасдан, бугунги кунда **процессуал чиқимлар институти** амалда **тўлиқ ишламаяпти** ҳамда айрим мутахассисларнинг таъбири билан айтганда жиноят процессида **формал характердаги “ўлик институт”**лардан бирига айланиб қолган.

Мазкур институтнинг ишламаслигини асосий сабаби қуйидагилар:

Биринчидан, 1992 йил 3 июлда қабул қилинган “Гувоҳлар, жабрланувчилар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар ва холисларнинг қилган харажатларини тўлаш тартиби ва миқдорлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни **бугунги кун талабларига жавоб бермаганлиги** учун **2022 йил 4 ноябрдан бекор қилинди.**

Бугунги кунда мазкур муносабат тартибга солинмаган.

Мазкур Қонунда тўловни амалга ошириш **манбалари**, тўлаб бериш **тартиб** ва **механизмлари** белгилаб берилмаган ҳамда **шартнома асосида** эксперт ва мутахассисларни жалб этиш имконияти яратилганлигини **ҳисобга олинмаган** эди.

Шунингдек, қонунга асосан доимий иш ҳақи олмайдиган жабрланувчилар, гувоҳлар ва холисларга уларни одатдаги машғулотидан чалғитганлик учун тўловлар бюджет маблағлари ҳисобидан тўлаб берилиши назарда тутилган бўлсада, бунинг амалга оширишнинг **ҳуқуқий механизмлари яратилмаган.**

Процессуал мажбуриятларини хизмат топшириғи билан боғлиқ бўлмаган ҳолда бажараётган эксперт, мутахассис ва таржимонга бажарган ишлари учун **тўлов миқдори камлиги** одил судловни амалга оширишда малакали мутахассисларни жалб қилиш **имкониятини чеклаган.**

Қонунга кўра, экспертлар, мутахассислар бажарган иш учун меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига нисбатан – ишнинг бир соатига 0,0053-0,0071 коэффициенти бўйича ҳақ тўланиши белгиланган (*тахминан 6 000 сўм*).

Жумладан, Адлия вазирлиги томонидан тегишли масъул органларга юборилган сўров хатлари бўйича олинган статистик маълумотлар 2020-2021 йиллар ҳамда 2022 йилнинг I ярим йиллиги давомида таржимонлардан ташқари ишда кўмаклашувчи барча шахсларга харажатлар тўлаб берилмаётганлигини тасдиқлаган. Олинган маълумотларга асосан таржимонларга 2020 йилда **14 млн сўм**, 2021 йилда **45,6 млн сўм (13,6 млн сўми бюджет маблағларидан)** ҳамда 2022 йилнинг 1-ярми давомида **40,9 млн сўм (8 млн сўми бюджет маблағларидан)** миқдоридан тўловлар тўланган.

Бундан ташқари, ушбу муносабатларни тартибга солувчи қоидалар халқаро давлатларнинг илғор тажрибаларидан фойдаланилган ҳолда такомиллаштирилмаган.

Хусусан, хорижий давлатларнинг қонунчилик ҳужжатлари ўрганилганда, масалан, **АҚШ, Канада, Россия Федерацияси, Қозоғистон, Беларусь, Молдова, Озарбайжон, Туркменистон, Тожикистон ва бошқа хорижий давлатларда** ишда кўмаклашувчи шахсларнинг ҳақлари давлат бюджети ва бошқа манбалар ҳисобидан тўлиқ тўлаб берилишига оид аниқ тартиблар назарда тутилганлигини кўриш мумкин.

Мисол тариқасида, Канадада гувоҳларнинг суд иши жараёнига жалб қилинганда, уларга **кунига 20 АҚШ доллари (230 000 сўм) тўланади**, шунингдек, **хизмат сафарлари харажатлари қопланади**. Агар эксперт жалб қилинганда, унга **ҳар бир соат учун 100 АҚШ доллари (1 150 000 сўм) миқдорида** ҳақ ҳамда яшаш учун харажатлари тўланади. **Таржимонларга** суд жараёнида иштирокида **ҳар бир соат ёки соатнинг бир қисми учун 45 АҚШ доллари (515 000 сўм) тўланади**. Ушбу тариф қўлланилиши учун **чақирув қоғози топширилган бўлиши керак**.

Шунингдек, АҚШда суд жараёнида таржимон хизматидан фойдаланилганда унга кетадиган харажатлар **1978 йилдаги “Суд таржимонлари тўғрисида”ги Қонунга** асосан тўланиши белгиланган. Бунда, ушбу харажатлар **суд тизимига ажратилган маблағлар ҳисобидан тўланади**. АҚШда гувоҳларнинг суд иши жараёнига жалб қилинганда, уларга **кунига 35 АҚШ доллари (400 000 сўм) тўланади**, шунингдек, **хизмат сафарлари харажатлари қопланади**. Автотранспортдан фойдаланилганда **ҳар бир мил учун 0,6 АҚШ доллари (7 000 сўм) тўланади**. **Таржимонларга** бир соат оғзаки таржимаси учун ўртача **80 АҚШ доллари (915 000 сўм)** ҳамда ҳужжатларни таржимаси учун эса **ҳар бир сўз учун 0,165 АҚШ доллари (1 900 сўм)** миқдорида, **экспертлар учун эса ўртача соҳасига қараб ҳар бир соати учун 100 АҚШ доллари**дан **400 АҚШ долларигача (1 150 000 сўмдан 4 600 000 сўмгача)** тўлов олинади.

Бундан ташқари, Қозоғистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексининг 177-моддасида экспертларга, таржимонларга, мутахассисларга судгача бўлган тергов жараёнида ёки судда ўз вазифаларини бажарганликлари учун тўланадиган ҳақ процессуал харажатлар сифатида кўрсатилган бўлиб, бу вазифалар хизмат топшириғи билан бажарилган ҳоллар бундан мустасно [4].

Ушбу харажатлар **суд томонидан якуний қарор қабул қилинганда кўриб чиқилади**. Агар иш судгача бўлган босқичда яқунланса, **прокурорнинг тақдимномасига асосан кўрилиши белгиланган**.

Қозоғистонда мутахассис ва экспертлар учун **бир соатга 3 450 тенге (87 000 сўм)**, таржимонлар учун эса тилига қараб **1 соат оғзаки ёки 1 варақ ёзма** рус тилидан қозоқ тилига ёки аксинча **1 725 (44 000 сўм) тенге**, бошқа тиллардан рус тили ёки қозоқ тилига таржима қилгани учун **3 450 тенгегача (87 000 сўм) тўлов тўланади**.

2) процессуал мажбуриятларини хизмат топшириғи билан боғлиқ бўлмаган ҳолда бажараётган эксперт, мутахассис ва таржимонга бажарган ишлари учун **тўлов миқдори камлиги** одил судловни амалга оширишда малакали мутахассисларни жалб қилиш **имкониятини чекламоқда**;

(эксперт томонидан бажарилган ишнинг бир соати учун – 5 100 сўм, таржимонга эса – 6 958 сўм тўлаш белгиланган.

2020-2022 йиллар давомида одил судловни амалга оширишда фақатгина **таржимонлар** ишга жалб этилган бўлиб, уларга жами **100 млн 455 минг сўм** тўланган, **эксперт ва мутахассислар учун тўловлар амалга оширилмаган**)

Россия Федерациясида **таржимон** учун таржима қилинадиган тилига қараб **ҳар бир соати учун 700 рублдан 1 500 рублгача (108 000 сўмдан 232 000 сўмгача)**, ёзма таржималар учун 1 варағига **200 рублдан 400 рублгача (31 000 сўмдан 62 000 сўмгача)**, сурдотаржимон учун **1 000 рублгача (155 000 сўмгача)**, экспертлар учун **2 300 рублдан 3 500 рублгача (356 000 сўмдан 542 000 сўмгача) тўлов** ҳамда хизмат ва турар-жой харажатлари қоплаб берилади.

3) қонунга асосан доимий иш ҳақи олмайдиган жабрланувчилар, гувоҳлар ва холисларга уларни **одатдаги машғулотида чалғитганлик учун тўловлар** бюджет маблағлари ҳисобидан тўлаб берилиши назарда тутилган бўлсада, буни амалга оширишнинг **ҳуқуқий механизмлари яратилмаган**. Германияда жалб қилинган гувоҳларга компенсация суд томонидан **“Одил судлов жараёларида иш ҳақи ва компенсациялар тўғрисида”**ги Қонунга мувофиқ тўланади. Экспертларга ҳам компенсация тўловлари ушбу қонунга мувофиқ тўланади. **Таржимонларга** бир соат оғзаки таржимаси учун ўртача **70 ЕВРО** (910 000 сўм) ҳамда ҳужжатларни таржимасига эса **ҳар 55 белги** учун **1,75 ЕВРО** (23 000 сўм) миқдоридан, **экспертлар учун эса** ўртача соҳасига қараб ҳар бир соати учун **65 ЕВРОдан 125 ЕВРОгача** (845 000 сўмдан 1 625 000 сўмгача) тўлов қилинади.

Иккинчидан, Жиноят-процессуал кодексида **процессуал чиқимлар турлари аниқ ва батафсил баён этилмаган**.

Хусусан, Жиноят-процессуал кодексининг **318-моддаси**да процессуал чиқимлар турлари назарда тутилган бўлиб, улардан бири **экспертиза муассасаларида экспертиза ўтказиш учун сарфланган суммаси** деб белгиланган.

Мисол учун, *жиноят ишлари доирасида кимёвий моддаларни аниқлашга оид тайинланган экспертизалар бўйича реагентлар, сарф материаллари, тиббий экспертизалар давомида касалликни аниқлашга доир кўрик (реагент, рентген, МСКТ, КТ ва бошқа.) харажатлари, суд психиатрия экспертизасида 30 кунгача стационар даволаш учун жуда катта миқдорда йилига бир неча ўн млрд сўм миқдоридан харажатлари давлат бюджетидан ҳамда уларнинг бюджетдан ташқари манбалари ҳисобидан сарфланади.*

Шунингдек, ушбу моддада **экспертиза муассасаларида экспертиза ўтказиш учун сарфланган сумма** тушунчасига аниқликлар киритилмаганлиги, мазкур нормани амалиётда кўплаб муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Масалан, бир жиноят иши доирасида 10 дан ортиқ экспертизалар тайинланиши мумкинлиги, таққослаш объектларини кўплаб бўлиши, мазкур суммага айнан қандай шаклланиши (электр сарфи, ускуналарнинг эскириши ва бошқаларни инobatга олиниши мумкинлиги) ва бошқалар аниқ белгиланмаган.

Мазкур моддада **шахсларни ушлаш, мажбурий келтириш ва қидириш учун қилинган харажатларнинг манбалари** ва ундириш механизмлари тўлиқ назарда тутилмаган.

Бу ўз навбатида асосан **хорижий давлат ҳудудида бўлган** айбланувчи, судланувчиларни экстрадиция қилишда кўплаб муаммоларни олиб келишга сабаб бўлиб, айрим ҳолатларда мамлакатимиз фуқароларининг чет эл ҳибсхоналарида кўп вақтга қолиб кетишига сабаб ҳам бўлмоқда.

Шу билан бирга, мазкур моддада **ашёвий далилларни сақлаш ва жўнатиш билан боғлиқ харажатлар суммаси процессуал чиқимлар** сифатида назарда тутилган бўлсада, бугунги кунда ушбу нормаларни амалда қўлланишида турли хил тушунмовчиликлар келиб чиқмоқда. Мисол учун, ашёвий далилларни олиб келиш, ташиш, шунингдек мурдаларни ва уларнинг қисмларини ташишга сарфланган суммалар харажати аниқлаштирилмаган.

Мисол учун, Украинанинг Жиноят-процессуал кодексининг 118-126-моддаларида процессуал чиқимларни ундириш тартиби батафсил кўрсатилган [5].

Россия Федерацияси ЖПКнинг 131-моддасига асосан ашёвий далилларни демонтаж қилиш, сақлаш, ўтказиш ва ташиш (ташиш), шунингдек мурдаларни ва уларнинг қисмларини ташиш (ташув)га сарфланган суммалар процессуал чиқимлар турлари сифатида аниқ назарда тутилган [6].

Шунингдек, Белорусь Республикаси ЖПКнинг 162-моддасига 8-1-банд сифатида экспертиза ўтказиш учун фойдаланилган сарф материалларини сотиб олиш ва экспертизанинг (махсус) асбоб-ускуналарни жорий таъмирлаш учун давлат суд-эксперт ташкилотлари томонидан сарфланган маблағлар ҳам процессуал

чиқимлар турлари сифатида назарда тутилган [7].

Таъкидлаш жоизки, давлат суд экспертиза муассасалари ва уларнинг ҳудудий бўлимлари бугунги кун замон талабларига жавоб берадиган **етарли ускуналар билан таъминланмаган**. Шунингдек, улар томонидан етарлича маблағлар етишмовчилиги натижасида янги ускуналар олинмаслиги сабабли, ваколатли органлар томонидан суд экспертлари олдига қўйилган айрим саволлар ҳал қилинмасдан қолинмоқда.

Хорижий давлатларда суд тиббиёт экспертизасида **мурдани ёриш усулига “олтин стандарт”** сифатида ёндашиш тўхтатилган ва соҳага **виртуал аутопсия** кенг жорий этилган.

Халқаро тажрибага кўра, **АҚШ, Германия, Франция, Буюк Британия, Швейцария, Япония, Исроил, Ҳиндистон, Хитой ва Қозоғистон Республикасида виртуал аутопсия - 3D моделлаштириш усулидан** суд-экспертик тадқиқотларида кенг фойдаланиб келинмоқда.

(Ушбу усул ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб қўлланилиб келиниб, компьютер томографияси, магнит-резонанс томография ва тананинг сиртини махсус фотосканер орқали сканерлашдан олинган маълумотлардан фойдаланиб, ўлим сабаблари таҳлил қилишга имкон беради.

Мазкур усул тўқималарга тўғридан-тўғри жисмоний аралашувни талаб қилмайди, олинган тасвирлар узоқ вақт давомида сақланилади).

Учинчидан, Жиноят-процессуал кодексида **процессуал чиқимларни ундириш билан боғлиқ аниқ механизмлар белгиланмаган.**

Ушбу кодекснинг **320-моддасига** асосан кейинчалик процессуал чиқимларни маҳкумлардан ундириш билан боғлиқ нормалар кўрсатилган бўлсада, мазкур моддада чиқимларни ундиришга доир талаблар аниқ ёритилмаганлиги аксарият ҳолатда ундирилиши лозим бўлган процессуал чиқимларни **давлат бюджети** ҳамда **давлат суд экспертиза муассасалари** ҳисобига ундирилмасдан қолинишига олиб келмоқда. Мазкур маблағларни қайтарилиши **соҳани янада ривожланишига, суд экспертларини иш ҳақлари миқдорларини оширилишига** хизмат қилиши мумкин.

Хусусан, суд бир неча судланувчини айбли деб топган тақдирда, уларнинг ҳар биридан қанча миқдорда процессуал чиқимларни ундириш лозимлигини белгилашлиги бу ҳолда суд айбнинг оғир ёки енгиллигини, жиноят учун жавобгарлик даражаси ва маҳкумларнинг мулкӣ аҳволини инobatга олиши белгиланган.

Россия Федерациясининг Жиноят процессуал Кодексининг 132-моддасида Бир нечта судланувчиларни жинoий ишда айбдор деб топиб, суд уларнинг ҳар биридан процессуал харажатлар қанча миқдорда ундирилиши кераклигини аниқлаши, суд айбнинг моҳиятини, жиноят учун жавобгарлик даражасини ва маҳкумнинг мулкӣ ҳолатини ҳисобга олиши назарда тутилган.

Шу билан бирга, процессуал чиқимлар ундирилиши лозим бўлган шахснинг **тўловга моддий имконияти бўлмаган тақдирда чиқимлар давлат ҳисобига ўтказилади.** Маҳкумнинг процессуал чиқимни тўлаши унинг қарамоғида бўлганларнинг моддий аҳволига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин бўлса, суд маҳкумни процессуал чиқимларнинг ҳаммасини ёхуд бир қисмини тўлашдан озод этишга ҳақлидир. **Мазкур нормада ҳам аниқ кимларга имтиёзлар берилиши, қайси ҳолатда бир қисмини тўлаш аниқ белгиланмаганлиги сабабли, турли хил тушунмовчиликлар туғилмоқда.**

Юқорида қайд этиб ўтилган ҳолатлардан келиб чиқиб, мавжуд муаммоларни ҳал қилиш ва соҳани янада ривожлантириш мақсадида **қуйидагилар таклиф этилади:**

Юқорида қайд этиб ўтилган муаммоли ҳолатларни бартараф этиш мақсадида **қуйидаги вазифа ва топшириқларни бажарилишини таъминлайдиган** манфаатдор вазирлик ва идораларнинг (ИИБ, Бош прокуратура, Олий суд, Адлия вазирлиги, давлат суд-экспертиза муассасалари ва бошқалар) ваколатли мутахассисларидан иборат **ишчи гуруҳ ташкил этиш** мақсадга мувофиқ:

- **ишни кўриш билан боғлиқ бўлган чиқимларни тўлиқ қопланиши,** уларнинг миқдорлари;

- жиноят-процессида **процессуал чиқимларни ундириш билан боғлиқ** аниқ механизмларни, бунда **иштирокчилик асосида** ҳамда **тўловга моддий имконияти бўлмаган маҳкумларнинг** процессуал харажатларни тўлашдан тўлиқ ёки қисман озод қилиш;

- **Маҳкумдан процессуал чиқимларни ундиришни ижро этишнинг ўзига хос жиҳатларига** доир муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш лозим бўлади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (2023 йил 30 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинган) // URL: <https://lex.uz/uz/docs/-6445145>.

2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси // URL: <https://lex.uz/docs/111460>;

3. “Гувоҳлар, жабрланувчилар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар ва холисларнинг қилган харажатларини тўлаш тартиби ва миқдорлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. **Ҳужжат кучини йўқотган 05.11.2022** // URL: <https://lex.uz/docs/29607>.

4. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан// URL: <https://adilet.zan.kz/rus/docs/K1400000231>;

5. Уголовно-процессуальный кодекс Украины // URL: https://kodeksy.com.ua/ka/ugolovno_protseualnij_kodeks_ukraini.htm;

6. Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации // URL: https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_34481/;

7. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Беларусь // URL: https://nrm.uz/contentf?doc=433361_ugolovno-processualnyy_kodeks_respubliki_bielarus&products=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana;

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

TILLABAYEV Mirzatio

First Deputy Director of the National Center of the Republic of Uzbekistan for Human Rights, Doctor of Law, Professor
E-mail: mirzatio@mail.ru

THE UNIVERSAL DECLARATION OF HUMAN RIGHTS: HISTORICAL OVERVIEW AND IMPLEMENTATION IN UZBEKISTAN

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): TILLABAYEV M. The Universal Declaration of Human Rights: historical overview and implementation in Uzbekistan // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 4 (2023) P. 74-79.

 4 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2023-4-10>

ANNOTATION

This study delves into the historical context and main provisions of the Universal Declaration of Human Rights. Furthermore, it explores how Uzbekistan has implemented the Declaration, emphasizing the Action Plan commemorating its 75th anniversary.

Keywords: Universal Declaration of Human Rights, Vienna Declaration and Programme of Action, High Commissioner, United Nations, Human Rights, Human Rights Council.

ТИЛЛАБАЕВ Мирзатило

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси
Миллий маркази директорининг биринчи ўринбосари
юримдик фанлар доктори, профессор
E-mail: mirzatio@mail.ru

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИ: ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРИХИ ВА ЎЗБЕКИСТОНДА БАЖАРИЛИШИ

АННОТАЦИЯ

Мақолада Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг ишлаб чиқиш ва қабул қилиш тарихи, шунингдек унинг асосий қоидалари таҳлил қилинади. Бундан ташқари, унда Умумжаҳон декларациясини Ўзбекистонда амалга оширилиши ҳамда мазкур ҳужжатнинг 75 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури қабул қилингани алоҳида таъкидланган.

Калит сўзлар: Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Вена Декларацияси ва Ҳаракатлар Дастури, Олий комиссар, БМТ, инсон ҳуқуқлари, Инсон ҳуқуқлари кенгаши.